



Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари. -2022. -№ 3(6).
ISSN: 2181-1342 (Online)
<https://scienceproblems.uz>

Юридик фанлар

Жавлиев Нурали Баходирович
юридик фанлар номзоди, доцент,
Судьялар олий мактаби мустақил тадқиқотчиси

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДАГИ
ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ
(маъмурий судлар амалиёти мисолида)**

Аннотация: мазкур мақолада интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурий органларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризаларни маъмурий судларда кўриб чиқиш масалалари ўрганилган. Мақолада маъмурий суд амалиёти таҳлил қилиниб, интеллектуал мулк соҳасидаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: маъмурий орган, суд назорати, интеллектуал мулк, маъмурий суд, суд амалиёти, моддий ҳуқуқ, процессуал ҳуқуқ.

Жавлиев Нурали Баходирович
кандидат юридических наук, доцент,
независимый исследователь, Высшая школа судей

**СУДЕБНЫЙ КОНТРОЛЬ ЗА УПОЛНОМОЧЕННЫМИ
ГОСДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ В ОБЛАСТИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
(на примере практики административных судов)**

Аннотация: в статье исследуются вопросы рассмотрения заявлений в административных судах на решения, действия (бездействия) административных органов в области интеллектуальной собственности. Путем анализа судебной практики административных судов, выдвинуты рекомендации по совершенствованию материальных и процессуальных норм права в области интеллектуальной собственности,

Ключевые слова: административный орган, судебный контроль, интеллектуальная собственность, административный суд, судебная практика, материальное право, процессуальное право.

Nurali Javliev

PhD in Law, associate professor
Independent Researcher, Supreme School of Judges

JUDICIAL REVIEW ON AUTHORIZED STATE BODIES IN THE FIELD OF INTELLECTUAL PROPERTY (On the Example of the Practice of Administrative Courts)

***Abstract:** The article examines the issues of appealing decisions, actions (inaction) of administrative bodies in the field of intellectual property. By analyzing the judicial practice of administrative courts, some recommendations were offered to improve the substantive and procedural rules of law in the field of intellectual property.*

***Key words:** administrative body, judicial review, intellectual property, administrative court, jurisprudence, substantive law, procedural law.*

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш, муаллиф ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сонли қарорининг қабул қилиниши бунинг яққол исботидир. Қарор билан 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш Стратегиянинг асосий йўналишларидан ҳисобланади [1].

Шу маънода, интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини ваколатли органлар томонидан тўғри қўллаш, амалиётда юзага келаётган муаммоли ҳолатларни маъмурий судлар амалиёти нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бинобарин, ваколатли давлат органлари устидан маъмурий суд назорати ва унинг аҳамияти масалалари ҳозирча етарли ўрганилмаган. [2; 52-60].

Аввало суд статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, бу борада куйидаги кўрсаткичларни келтириб ўтиш жоиз.

Жумладан, 2018 йилда жами 17 та иш кўрилган, шундан 5 таси қаноатлантирилган, 11 таси рад этилган, 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

2019 йилда жами 19 та иш кўрилган, шундан 7 таси қаноатлантирилган, 9 таси рад этилган, 3 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

2020 йилда жами 10 та иш кўрилган, шундан 6 таси қаноатлантирилган, 4 таси рад этилган.

2021 йилда жами 22 та иш кўрилган 10 таси қаноатлантирилган, 8 таси рад этилган, 3 таси кўрмасдан қолдирилган, 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

2022 йил биринчи чоракда жами 7 та иш кўрилган, 5 таси қаноатлантирилган, 2 таси рад этилган.

2018 йилдан 2022 йил 1-чорагича бўлган даврда жами 75 та иш кўрилган, шундан 33 таси қаноатлантирилган, 34 рад этилган, 3 таси кўрмасдан қолдирилган, 5 таси бўйича иш юритиш тугатилган [3].

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси бўйича кўрилган оммавий низолар бошқа тоифадаги ишларга нисбатан салмоғи камроқни ташкил этади.

Умуман олганда, сўнги йилларда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида маъмурий органлар самарали фаолият юритиб келмоқда, қонун нормалари тўғри талқин қилинмоқда. Айти вақтда таъкидлаш керакки, бу борада айрим муаммолар бор.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, **маъмурий орган доим ҳам амалдаги моддий ҳуқуқ нормаларига амал қилавермайди.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунининг 10-моддасини қўллашни янада такомиллаштириш лозим. Маъмурий орган ва тадбиркорлик субъекти ўртасида юзага келадиган муаммолар айнан ушбу қонун билан боғлиқдир.

Масалан, “СРС” компанияси Адлия вазирлиги Апелляция кенгаши қарорида “DP” МЧЖга тегишли товар белгисида “СРС” компаниясига тегишли Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган товар белгиларига ўхшаш элементларининг мавжудлиги билан қонунчиликда белгиланган талабларни бузган ҳолда рўйхатдан ўтказилганлиги кўрсатилган.

Суднинг хулоса қилишича, Апелляция кенгаши товар белгисига гувоҳнома беришда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунининг 10-моддаси 1-қисми 9-бандида кўрсатилган талаблар бузилганлиги ҳолатини аниқламаган ва уларни тегишли тартибда исботламасдан товар белгисига бўлган гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топган.

Бунда апелляция кенгашига Интеллектуал мулк агентлиги экспертлари томонидан апелляцияда “СРС” компанияси маҳсулоти ва “DP” МЧЖга тегишли товар белгисининг таққослаш анализи асоссиз ўтказилганлиги, чунки таққослаш анализи фақат апелляция ўхшашлик бўйича берилгандагина ўтказилиши,

истеъмолчини чалғитиш ҳақидаги важлар асоссиз эканлиги тўғрисида хулоса ҳам инобатга олинмаган. Қонуннинг 10-моддасини қўллаш бўйича шунга ўхшаш бошқа кўплаб мисолларни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунининг 4-моддасини талқин қилишда ҳам муаммолар борлигини таъкидлаш жоиз. Қонуннинг 4-моддасида 2022 йил 4 февралгача бўлган таҳририда “Товар белгиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин”-деб кўрсатилган. Ҳозирда ушбу нормага ўзгартириш киритилиб, товар белгиси юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкинлиги белгиланди.

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан баъзи ҳолатларда Қонунга ўзгартириш киритилгунга қадар жисмоний шахслар номига рўйхатдан ўтказилган, лекин уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш-шуғулланмаслиги ўрганилмаган. Бунга мисол қилиб, У.Мнинг иши бўйича жисмоний шахс У.М номига ва «АТ» МЧЖ ҚҚнинг иши бўйича жисмоний шахс А.А номига товар белгиси рўйхатдан ўтказилган ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин.

Яна бир муаммоли масала шундан иборатки, маъмурий орган томонидан баъзи ҳолатларда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунининг 24-моддасида белгиланган муддатлар эътибордан четда қолдирилмоқда.

Жумладан, ушбу нормада белгиланишича, товар белгисига доир гувоҳнома унинг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти у ушбу Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмида ва 10-моддаси биринчи қисмининг 1 — 12-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан беш йил мобайнида, башарти у ушбу Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14-бандларида белгиланган талабларни бузган ҳолда берилган бўлса, тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Масалан, аризачи “DP” МЧЖ ва “RD” хусусий корхоналарининг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Апелляция кенгаши нисбатан маъмурий иш бўйича “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13-банди ва 14-бандида белгиланган талабларни бузган ҳолда

берилган товар белгисига доир гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги апелляция бўйича 5 йиллик даъво муддати белгиланган. Лекин ушбу муддат беш йилдан ортиқ вақт ўтиб кетган бўлсада, Апелляция кенгаши томонидан бунга ҳуқуқий баҳо берилмасдан қарор қабул қилинган.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий органларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилишга кўпроқ эътибор қаратиши лозим.

Масалан, яна ўша “DP” МЧЖнинг иши бўйича апелляция кенгаши қарорни қабул қилишда Апелляция кенгашида эксперт сифатида Интеллектуал мулк агентлиги мутахассиси Ж.М сўроқ қилиниб, унинг фикрлари эшитилган бўлсада, унинг Апелляция кенгашига билдирган нутқи, тушунтиришлари, у ҳақдаги маълумотлар кенгаш қарорига киритилмаган. Бундан ташқари, апелляция иши юзасидан баённома ҳам юритилмаган.

Худди шунингдек, М.У. иши бўйича ҳам апелляция кенгаши томонидан 2021 йил 11 июнь куни иш кўрилатган вақтида иш бўйича баённома юритилмаган.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, Интеллектуал мулк соҳасидаги низолар асосан “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунни нотўғри қўлланилиши, маъмурий орган томонидан белгиланган тартиб-таомилларга амал қилмаслик оқибатида юзага келмоқда.

Ушбу ҳолатда Қонуннинг ҳозирги кунга қадар киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни инобатга олиб, Қонуннинг шарҳини ёзиш, маъмурий орган ва судлар ҳамкорликда айнан шу Қонун нормаларини қўшимча ўрганиш мақсадида семинар тренинглар ташкил этиш зарурати юзага келмоқда.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, тартиб-таомилларга риоя қилишни янада кучайтириш учун амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, маъмурий орган томонидан қайси ҳолатда қандай ҳаракат қилишни кўрсатувчи схематик жадвалларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-221-сонли қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5987120>

2. Жавлиев, Н. (2022). Ижро ҳокимияти органлари устидан суд назоратининг тушунчаси ва аҳамияти. Scienceproblems.Uz, 5(2), 52–60.
<https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/58>
3. <https://stat.sud.uz/mib.html>